

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИЛАБОВ БАХОДИР ҚУРБАНОВИЧ**

**ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИ ҚОПЛАМАЛАР ВА ДЕТАЛЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШ УЧУН МОДЕЛИ ГАЗГА АЙЛАНУВЧИ ҚУЙМАҚОРЛИК  
УСУЛИ БЎЙИЧА ЮҚОРИХРОМЛАНГАН ҚОТИШМАЛАРНИ  
ЛЕГИРЛАШ ВА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси  
(қуймачилик ва металларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 666.017; 621.78.011, 621.74.04

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации**  
**Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract**

**Тилабов Баходир Қурбанович**

Ейилишга бардошли қопламалар ва деталларни тайёрлаш учун модели газга айланувчи қуймакорлик усули бўйича юқорихромланган қотишмаларни легирлаш ва термик ишлов бериш ..... 3

**Тилабов Баходир Қурбанович**

Легирование и термическая обработка высокохромистых сплавов для изготовления износостойких деталей и покрытий при литье по газифицируемым моделям ..... 27

**Tilabov Bahodir Qurbanovich**

Alloyage and heat treatment of high-chrome alloys for manufacturing wear-resistant parts and coatings casting by gasified models ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИЛАБОВ БАХОДИР ҚУРБАНОВИЧ**

**ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИ ҚОПЛАМАЛАР ВА ДЕТАЛЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШ УЧУН МОДЕЛИ ГАЗГА АЙЛАНУВЧИ ҚУЙМАҚОРЛИК  
УСУЛИ БЎЙИЧА ЮҚОРИХРОМЛАНГАН ҚОТИШМАЛАРНИ  
ЛЕГИРЛАШ ВА ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси  
(қуймачилик ва металларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T5 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мухамедов Анвар Акбарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маҳкамов Руфат Гулямович**  
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги,  
техника фанлари доктори, профессор

**Михридинов Рискидин Михридинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Агрегат заводи» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли Илмий Кенгашнинг 2017 йил «20» июл куни соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел/факс (99871) 227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, университет кўчаси, 2. Тел. (99871) 246-46-00.

Диссертация автореферати 2017 йил «07» июл куни тарқатилди.  
(2017 йил «23» июлдаги 23 рақамли реестр баённомаси).

**К.А.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Д.Тураходжаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

**Н.Д.Тураходжаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларидаги металлургия корхоналарида қора металлдан сифатли куймалар олиш учун қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Металл куйиб олувчи мамлакатлар орасида АҚШ, Япония, Германия, Англия, Австралия, Ҳиндистон, Канада, Россия ва бошқа давлатлар етакчи ҳисобланиб, уларда дунёда олинадиган металлнинг 90% ишлаб чиқарилади. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили юқори сифатли металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 6-7 млрд. АҚШ доллари, жумладан, Европа ва МДХ давлатларида 2-3 млрд. доллар ҳамда ишлаб чиқариш саноати юқори даражада ривожланган мамлакатларда 4-5 млрд. АҚШ доллар маблағ сарфланмоқда. Глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва металл маҳсулотларининг сифатига бўлган талабнинг ортиши шароитида энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган самарали усул асосида сифатли юқорихромли куйма деталлар олиш технологиясини яратиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён мамлакатимизда металлшунослик соҳасини самарали ривожлантириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган юқорихромли ва қаттиқ қотишма қопламали деталлар ишлаб чиқиш асосида термик ишлов берилган сифатли металл буюмларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада соҳанинг захира базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини ошириш, деталлар тайёрлашни янги замонавий технологияларини қўллаш ва уларга самарали ишлов бериш ҳамда металлни қайта ишлаш корхоналарини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, жумладан, куйма деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш учун қотишмаларнинг оптимал таркиби ва термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

Жаҳонда куймакорлик усулида олинаётган металллар ва қотишмалар мустаҳкамлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали иқтисодий самарани янада ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада мақсадли илмий-тадқиқотларни, жумладан, куйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: юқорихромли қотишмалар таркиби ва хоссаларини эътиборга олиб, сифат параметрларини аниқлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш; металл буюмларининг мустаҳкамлигини ошириш учун қопламалар янги таркибини ишлаб чиқиш; термик ишлов беришнинг янги режимларини ишлаб чиқиш мазкур соҳанинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПФ-1758-сон «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» ги ва 2015 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулот, ташкил қилувчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш дастурига қўшимчалар киритиш» даги Фармонларида ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Юқорихромли қотишмаларни олиш технологияси, структураси ва хоссаларини шакллантиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Инженерлик технологиялари университети (АҚШ), Нагоя Миллий технологиялар институти (Япония), Виен техника университети (Германия), Австрия илмий-тадқиқотлар институти (Австрия), металлургия инженерлик департаменти университети (Ҳиндистон), Онтария Металл корпорацияси институти (Канада), Россия Федерацияси Фанлар академияси қошидаги Урал металлар физикаси бўлими (Россия), материалшунослик муаммолари институти (Украина), ва Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон Республикаси) томонидан олиб борилмоқда.

Қотишманинг юқори хоссаларини таъминлайдиган структурани ҳосил қилишга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: қотишма таркибидаги углерод ва фосфор миқдорини камайтириш технологияси ишлаб чиқилган (Инженерлик технологиялари университети АҚШ) ва (Нагоя Миллий технологиялар институти Япония); юқорихромли қотишмалар таркибидаги углерод миқдорини камайтиришни таъминлайдиган термик ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган (Виен техника университети Германия) ва (Австрия илмий-тадқиқотлар институти); деталларнинг хизмат муддатини оширишни таъминлайдиган технологиялар ишлаб чиқилган (металлургия инженерлик департаменти университети Ҳиндистон), (Онтария металл корпорацияси институти Канада), металл ва қотишмаларни суюқлантиришда таркибидаги С, Si, Mn, Ni, S нинг миқдорини камайтириш ва углеродни тиклаш усули ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Фанлар академияси қошидаги Урал металлар физикаси бўлими, қаттиқ қотишмали қопламалар ва эритма материалларининг ейилишга чидамлилигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (материалшунослик муаммолари ва электр пайвандлаш институтлари Украина), юқорихромли қотишмалар таркиби ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминловчи усуллар ишлаб чиқилган (Тошкент давлат техника университети Ўзбекистон Республикаси).

Дунёда юқорихромли қотишмалар сифати ва структурасини шакллантириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.sciepub.com/MSME/content/2/3?v=1>; [www.ew-a.org](http://www.ew-a.org); <http://anopremier.ru>; [http://www.davidpublishing.com/journals\\_info.asp?jId=957](http://www.davidpublishing.com/journals_info.asp?jId=957); <http://www.subarc.ru/kontent/naplavka/>; <http://www.jim.or.jp/journal/e/pdf3/47/01/72.pdf>; International journal of advanced research in science engineering and technology (2006-2015); Металловедение и термическая обработка металлов (2004-2016); Литейное производство (2003-2016); Трение и износ в машинах (2004-2016); Материаловедение (2005-2017) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқорихромли қотишмаларнинг илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқорихромли қотишмаларнинг механик хоссаларига салбий таъсир қилувчи углерод, марганец ва никель қўшимчаларининг миқдорини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш; қотишмалар таркибида углероднинг миқдорини назорат қилувчи қурилманинг конструкциясини ишлаб чиқиш; юқорихромли қотишмаларнинг оптимал таркибларини ва қоплама материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш; юқорихромли қотишмаларнинг хоссалари ва абразив ейилишга таъсирини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш; юқорихромли қотишмалар учун икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тажрибасида юқорихромли қотишмаларнинг олинишидаги асосий муаммоларга таркибидаги легирловчи элементларнинг миқдорини камлиги, қотишма таркибидаги зарарли элементларни ажратиб олишнинг қийинлиги, қўлланиладиган жиҳозларнинг иш унумдорлигини пастлиги киради. G.Laird, R.Gundlach, Y.Matsubara, A.Bedolla-Jacuinde, R.Snoteborsky, M.Janssen, D.Hanlon, A.Chandrashekhar, N.Gupta, В.Г.Ефременко, О.С.Комаров, В.Д.Садовский, А.П.Гуляев, Ю.М.Лахтин, И.И.Цыпин, М.М.Тененбаум, М.М.Хрущов, М.А.Бабичев, Ю.А.Степанов, В.С.Дорошенко, И.О.Шинский ва бошқа олимларнинг асосий назарий ва амалий тажрибавий тадқиқотлари ушбу муаммони ечимига бағишланган. Сифатли структурага эга юқорихромли қотишмасини олишда қиздиришнинг бир қатор режимлари яратилган, аммо юқорихромли оқ чўянлар ва қотишмаларнинг кимёвий таркибини оптималлаш ва механик хоссаларини яхшилаш жараёнлари ўрганилмаган ҳамда икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов беришнинг ноанъанавий режимлари қўлланилмаган.

Юқорихромли қотишмаларда сифатли структура ҳосил қилиш учун қопламали қотишмалар оптимал таркибини ишлаб чиқиш ва уларнинг мустаҳкамлигини ошириш усулларини такомиллаштириш, термик мустаҳкамлашда юқорихромли чўянлар ва қаттиқ қотишмали қопламаларга ишлов беришда қотишмаларнинг таркибидаги углерод ва марганец миқдорини оптималлаш технологиясини ишлаб чиқишда қатор олимлар, жумладан Р.Г.Маҳкамов, А.А.Мухамедов, А.Х.Хаджиев, В.В.Меликов, В.В.Чекуров, Р.М.Михридинов, Ю.Н.Мансуров ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлиб, уларнинг илмий ишларида ўз аксини топган ва соҳа ривожини учун маълум даражада ижобий натижалар олинган.

Лекин, амалга оширилган тадқиқотларда юқорихромли қотишмалар микроструктуралари, кимёвий таркиблари ва хоссалари, уларнинг абразив ейилишга таъсири ўрганилмаган ва ҳисобга олинмаган. Жумладан, юқорихромли ва юқориуглеродли қотишмалар билан ўхшаш тадқиқотлар ўтказилмаган. Бундан ташқари, икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш оптимал режимларини қўллаган ҳолда қуйма деталлар ейилишга бардошлилигини оширишга етарли эътибор қаратилмаган. Ҳозирги пайтда юқорихромли қотишмалардан деталлар тайёрлаш ва уларга оптимал режимда термик ишлов беришни амалга ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб вазифа ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси №01-02 «Абразив ейилишга чидамлилигини икки ва ундан ортиқ бараварга ошириш мақсадида юқори хромли оқ чўян қуймаларини икки марта фаза қайта кристалланиш термик мустаҳкамлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва тузилишининг ҳосил бўлиш механизмини тадқиқот қилиш» (2008-2009 й.й.); №6/11-1827/07-2011 «Модели газга айланувчи қуймакорлик усули бўйича қуйиш услуби билан қаттиқ қотишмали ейилишга чидамли қопламли пўлат ва чўян қуймалар тайёрлаш ва уларга термик ишлов бериш технологияси» (2011-2012 й.й.); №01/10 «Юқорихромли оқ чўяннинг абразив ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида ундан тайёрланган цилпобсларнинг тайёр қуймаларини олиш ва уларга термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва тузилишининг пайдо бўлиш жараёнини тадқиқот қилиш» (2011-2012 й.й.); №73 «Пеномоделли газга айланувчи қуймакорлик усули бўйича қуйиш йўли билан қаттиқ қотишмали ейилишга чидамли қопламли машинасозлик, металлургия ва энергетика машиналарининг пеномоделлари ва қуйма деталларини олиш ва модель ускуналарини тайёрлаш ва уларга кейинги термик ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2013 й.й.) мавзуларидаги амалий инновацион лойихалар ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқорихромли оқ чўянлар ва қаттиқ қотишмали қопламалар оптимал кимёвий таркиби ва термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

юқорихромли қотишмалар негизида қуйма деталлар олиш, шунингдек модели газга айланувчи усул бўйича қуйиб олинадиган ерга ишлов берувчи машиналар деталларини ейилишга бардошли қаттиқ қотишмали қопламалар билан олиш учун таркибни асослаш ва танлаш;

термик ишлов берилганда фаза алмашувларини мураккаблаштирувчи структурали таркибий қисмлар ҳосил қилмасдан, тежамкор-легирланиши лозим бўлган қотишма таркибини ишлаб чиқиш;

дислокациялари зичлигининг юқори даражали ва дисперс заррачали иккинчи фаза - иккиламчи карбидлари металл асосининг тузилишини яратиш йўли билан ейилишга бардошлилиги оширилганда юқорихромли қотишманинг потенциал имкониятидан максимал фойдаланиш имконини берувчи ноанъанавий термик ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш;

ейилишга бардошлироқ деталлар ва импортга чиқариладиганидан фарқ қиладиган реал буюмларга эришиш ва таклиф этилаётган оқ чўяндан ва қаттиқ қотишмали қопламалардан машина ва ускуналар қуйма деталларининг тажрибавий тўпларини яқунловчи термик ишлов бериш ўтказилгандан сўнг натуравий ейилишга бардошлилик синовларини ўтказиш, бажарилган илмий-тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этиш.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида юқорихромли оқ чўяндан қуйиб олинган ишчи ғилдираклар, цельпебслар ва модели газга айланувчи усулда тайёрланган қаттиқ қотишма қопламали деталлар намуналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** юқорихромли оқ чўяннинг таркибига боғлиқ ҳолда структура ва хоссалари ўзгаришини, ейилишга бардошли қопламдаги структураларни шакллантириб, икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов берилганда хоссаларнинг ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида олинган юқорихромли қотишмалар структурасини ўрганиш учун металлография, рентген тузилиши таҳлили, намуналарнинг макро - ва микроқаттиқлигини ўлчаш усуллари, термик ишлов бериш режимлари, абразив ейилишга синовлар ва тайёр буюмларнинг натуравий синов усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

термик ишловни ўтказишда талаб этиладиган структура ва хоссалар ҳосил бўлишини таъминловчи  $C+Si+Mn+Cr+Ni$  элементлар йиғиндиси бўйича юқорихромли оқ чўяннинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

олтингугурт юқорихромли қотишмаларнинг ейилиш бардошлигини камайтирилиши аниқланган;

модели газга айланувчи усул билан деталлар ишчи юза сиртига қаттиқ қотишма қопланганда структура ҳосил бўлиш механизми ишлаб чиқилган;

яқунловчи термик ишлов бериш жараёнида фаза қайта кристалланганда юқорихромли оқ чўянлар ва қотишмалар металл асоси юпқа структурали параметрларининг фазаси ирсият қилиб олиниши аниқланган;

қотишма совигандан сўнг унинг металл асосида дислокацияларнинг ўта юқори зичликка эга тузилишини шакллантирадиган, юқорихромли қотишмалар қиздириладиган экстремал ҳароратнинг кўрсаткичлари ва такрорий фаза қайта кристалланишда дислокациялар маълумотида ирсият ҳодисалари ишлаб чиқилган;

икки марта фаза қайта кристалланишда юпқа структурани насл қилиб олиш самарасидан фойдаланиш, қотишманинг ейилишга бардошлилигини 33–35% га ошиши ва у импорт қотишманикига қараганда юқорироқ бўлиши ҳамда ейилишга бардошли қопламларда 80–82% га ошиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

барабанли тегирмон цельпебслари, насослар ишчи ғилдиракларини юқорихромли оқ чўяндан ва ерга ишлов берувчи машиналар қуйма деталларини қаттиқ қотишмали қопламалардан тайёрлаш учун оптимал кимёвий таркиблар ишлаб чиқилган;

машиналар ва ускуналар деталлари учун ейилишга бардошлилигини 2-3 мартага ошириш имкониятини берадиган, икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш оптимал режимлари ишлаб чиқилган;

термик тобланган қуйма деталлар ишлаб чиқариш корхоналарида синалган, қўллаш мумкинлиги асосланган ва тавсия этилган;

икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов берилган қуйма деталларнинг ейилиш туфайли металлнинг қайтмасдан йўқолиши тўлиқ бартараф қиладиган технология ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Аввалом бор, олинган кўпчилик тажриба-экспериментал материаллар натижаларини бошқа статистик тажриба натижаларига мослиги ва стандарт усуллар қўлланилгани ҳисобланади. Бу изланиш металлография ва рентгеноструктура таҳлиллари, макро - ва микроқаттиқлиги қийматлари, термик ишлов бериш, ейилишга бардошлилик синовлари натижаларининг тўлиқ ўзаро боғлиқлиги, олинган тажриба натижалари мавжуд тажриба маълумотларига солиштирилганлиги ва реал иқтисодий фойда билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқорихромли қотишмалардаги γ-фаза элементлар-стабилизаторлари ролини баҳолашдан ва қотишмаларга термик ишлов берилганда ирсият ҳодисаси қилиб олиш ҳодисаларини қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқорихромли қотишмаларни қўшимча легирлаш ҳисобига эмас, балки икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов беришнинг ноанъанавий режимларидан фойдаланиб, абразив-коррозия ейилиш шароитларида ишлайдиган деталларнинг ишлаш муддатларини узайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ейилишга бардошли юқорихромли қотишмалар ва қопламалар олиш усуллари бўйича ишлаб чиқилган технологиялар асосида:

моделли газга айланувчи қуймакорлик усулида олинган қаттиқ қотишмали қопламаларнинг оптимал таркиби ва термик ишлов режимлари «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига прокат роликларининг ейилишга бардошлилигини ошириш учун жорий этилган (Ўзбекистон металлургия комбинати акциядорлик жамиятининг 2017 йил 28 апрелдаги 01-1/605–сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган қаттиқ қотишмалар таркиби ва термик ишлов режимлари деталларнинг ейилишга бардошлилигини 2–3 мартага ошириш имконини берган;

юқорихромли оқ чўяннинг оптимал таркиби ва термик ишлов бериш режимлари Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятига, хусусан «Дальварзин таъмирлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятга тайёрланган деталларнинг ейилиш бардошлилигини ошириш учун татбиқ этилган («Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 17 апрелдаги НО-17-03/512–сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таркиб ва термик ишлов режимлари қуйма деталларнинг ейилишга бардошлилигини 2–3 мартага ошириш имконини берган;

моделли газга айланувчи қуймакорлик усулида олинган қаттиқ қотишмали қопламалар оптимал таркиби ва термик ишлов режимлари Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятига, хусусан «Metallmexqurilish» холдинг компаниясига ерга ишлов берувчи машиналарнинг деталларини ейилишга чидамлилигини ошириш учун жорий этилган («Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 17 апрелдаги НО-17-03/512–сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган қаттиқ қотишмали

қопламалар таркиби ва икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш режимлари деталларнинг ейилиш бардошлилигини 3–4 мартага ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 21 та республика ва 12 халқаро илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, илмий ишлар нашр этилган, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Абразив-коррозион ейилиш шароитларида ишлайдиган деталлар учун ейилишга чидамли юқорихромли қотишмалар**» деб номланган биринчи бобида абразив-коррозион ейилиш шароитларида ишлайдиган деталлар учун фойдаланадиган юқорихромли оқ чўян ва қоплама эритма материалларининг таркиби, хоссалари, қўлланилиш соҳаларида бажарилган тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи ўтказилган.

Республикаимизнинг металлургия, цемент ва машинасозлик таъмирлаш заводларининг адабиёт манбалари ва техник ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинган:

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор корхоналарида юқорихромли оқ чўянлар қуймаларидан, ейилишга чидамлилиги оширилганда чўяннинг потенциал имконияларини тўлиқ қўллаш имкониятини бермайдиган термик ишлов берилиб фойдаланилади, тавсия этилаётган режимлар эса стандартлар ва техник шартларга биноан етарсиз асосланган;

ерга ишлов берувчи машиналар ишчи органларининг деталлари ва металлургия ускуналарининг прокатлаш станинаси роликлари ҳозирги вақтда ейилишга чидамли қаттиқ қотишмаларга эга эмас;

ейилишга чидамли қопламалар учун фойдаланиладиган юқорихромли оқ чўянлар ва қотишмаларнинг русумлари сезиларли миқдордаги легирловчи

танқис элементлари – Mn, Mo, Ti, Ni дан иборат, бу эса учидан товланиш ва ейилишга чидамлик нуқтаи назаридан етарсиз асосланган;

юқорихромли чўян ва қотишмадан олинган эритилган ва қуйма деталлар қопламаларининг структураси ва хоссалари қотиш жараёнида шаклланади. Бунда механик ва кейинчалик термик ишлов беришга ёмон бардош берадиган барқарор структура ҳосил бўлади. Бунда катта миқдордаги қолдиқ аустенит туфайли қаттиқлик ва ейилишга чидамлик пасаяди.

Юқорида баён этилганлар муносабати билан: қиздирилган ва совутилганда фазавий алмашувлардан енгил ўтиш қобилиятига эга бўладиган танқис - Mo, W, Ti элементларсиз материал таркибини танлаш; газланувчи моделлар бўйича деталлар қуйиб олишда қаттиқ қотишмали қоплама қоплаш технологиясини ишлаб чиқиш ва механизмини ўрнатиш; абразив ейилишга чидамликни максимал ошириш учун термик ишлов беришни ноанъанавий усулларидан фойдаланиш каби муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун қуйидагиларга тегишли бўлган илмий асосланган техник ва технологик қарорлар ишлаб чиқиш лозим:

кенг фойдаланиладиган ИЧХ28Н2, 300Х32Н2М2ТЛ чўянлар негизда юқорихромли оқ чўян ва «Сормайт ПГ-С27» хилидаги қаттиқ қотишмали қоплама таркиби шундай тўғирланиши керак-ки, унинг таркибида молибден, вольфрам, титан бўлмаслиги ва никель таркибини камайтириш, бироқ етарли даражада учидан товланганда термик ишлов бериш операциялари ўтказиш вақтида фазавий алмашувларнинг тўлиқлигини таъминлаш керак;

моделли газга айланувчи қуймакорлик усулида деталларни тайёрлашда структура алмашуви механизми, коррективировка қилинган ейилишга чидамлик қопламани қоплаш қатлами таркиби технологиясини ишлаб чиқиш;

қотишмалар зарурий структура параметрлари қўшимча легирлаш ҳисобига эмас, балки фаза қайта кристалланишида термик мустаҳкамлашни ноанъанавий режимлардан фойдаланиш ҳисобига ҳосил бўлади, ейилишга чидамлиги импорт деталлардан юқори бўлишига эришиш имкониятини берадиган ейилишбардош қопламали қуймалар тайёр деталлар ва буюмларга термик ишлов бериш режимлари ва технологияси билан эришилади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва намуналарнинг синаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида экспериментлар ўтказиш услуги келтирилган ва тадқиқотлар учун материалларни танлаш кўрсатилган. Тадқиқот объекти сифатида («ОКМК» АЖ, «НКМК» ДК ва «ДТЗ» МЧЖ) марказдан қочирма-грунтли насослар ишчи ғилдираклари, барабанли тегирмонлар цилиндрлари, прокат станинаси роликларининг деталларидан қирқиб олинган намуналар, юқорихромли оқ чўян турли эритмаларининг намуналари, ҳамда «Metallmexqurilish» ХК корхонасида модели газга айланувчи қуймакорлик усули бўйича қаттиқ қотишма қопламали намуналари хизмат қиладилар.

Тадқиқотлар учун фойдаланилган намуналар кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган. Мазкур жадвалда эталон сифатида, ўз хизмат муддатини ўтаган «ОКМК» АЖ, «НКМК» ДК, «ДТЗ» МЧЖда ва узоқ муддатли чидамлигини кўрсатган импортга ишлаб чиқарилган ишчи ғилдираги ва цилиндрларидан кесиб олинган намуна қабул қилинган.

## Тадқиқот қилинган қотишмаларнинг кимёвий таркиби

Чўянни эритиш русуми ва №	Элементлар таркиби, %								
	C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni	Mo	Қолгани Fe
1. Варман ишчи ғилдираги	2,87	0,317	1,38	0,031	0,012	28,31	0,538	0,049	Cu = 0,024
2. МТМЗ иш ғилдираги	2,45	0,59	0,65	0,089	0,071	22,87	1,26	-	-
910 эритиш	3,49	0,51	0,57	0,067	0,032	28,86	1,54	0,057	Cu 0,2
939 эритиш	2,99	0,78	0,62	0,064	0,03	26,54	0,99	0,059	Cu0,26
1059 эритиш	2,92	1,35	0,33	0,036	0,035	23,0	1,16	0,053	Cu0,22
3. 300X32H2 М2ТЛ 327 эритиш	2,67	1,13	0,57	0,043	0,018	31,58	2,23	0,32	-
2 эритиш	2,59	0,71	0,78	0,03	0,03	28,17	1,11	0,2	-
4. Импортли цильпеслар	2,86	0,316	1,40	0,028	0,025	27,3	0,523	-	-
Маҳаллий цильпеслар	2,43	0,56	0,67	0,066	0,085	20,23	0,76	-	-
Стандартлар бўйича нормалар									
ТУ26-05-1484-87 стандартли	2,5-3,0	0,7-1,4	0,5-1,0	0,08	0,1	25-30	1,5-2,0	-	-
НМЗ стандарти 300X32H2М 2ТЛ	2,4-2,8	до 2,0	1,4-1,8	-	-	30-34	1,5-3,0	1,5-2,0	Ti=0,1-0,6

Намуналарнинг бир қисми, стандартли таркибдан фарқ қиладиган кимёвий таркибга эга бўлиб, у эса таркибнинг қотишма хоссаларига таъсирини аниқ кузатиб бориш имконини беради.

Оқ чўян ва ейилишга чидамли қопламалар намуналарига термик ишлов бериш лаборатория печларида, аслидан олинган буюмларга эса - текислаш тағлигига эга бўлган саноат печларида ўтказилди. Бу намуналар ўхшаш таркибга ва тузилишга эга бўлганлиги сабабли, оптимал таркиби ва термик ишлаш усулини ишлатилиши оқ чўянли намуналарда ўтказилди.

Намуналарга термик ишлов бериш қуйидагиларни ўтказишдан иборат бўлди: 1) 700<sup>0</sup>-720<sup>0</sup>С юмшоқ юмшатиш; 2) 950<sup>0</sup>С фаза қайта кристалланишидаги юмшатиш; 3) 940<sup>0</sup>, 1000<sup>0</sup>, 1100<sup>0</sup>, 1150<sup>0</sup>С қиздириш ҳароратларидаги нормалаш (тоблаш); 4) 300<sup>0</sup>, 450<sup>0</sup>, 500<sup>0</sup>, 550<sup>0</sup>, 600<sup>0</sup>С ҳароратлардаги бўшатиш; 5) икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш. Иккиламчи тоблаш. Турли ҳароратларда қиздириб, биринчи тоблашдан ва 450<sup>0</sup> ва 600<sup>0</sup>С оралиқ бўшатишдан кейин намуналар 925<sup>0</sup> - 940<sup>0</sup>С гача такрорий қиздирилди, мойда тобланди ва 300<sup>0</sup>С да бўшатишди.

Металлографик тадқиқотлар МИМ-8М ва НЕОРНОТ-21 оптик микроскопларида 100 дан 2000X гача катталаштирилиб ўтказилди. Рентгенографик таҳлил, фазадаги таҳлил ўтказиш, фазаларнинг фоизли ўзаро

муносабатларини, қотишманинг темир асосининг кристаллсимон тузилиши нуқсонининг даражасини (дислокациялар зичлигини), углерод қаттиқ эритмасининг, қотишманинг тобланган темир асосининг  $\alpha$ -темирдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида ДРОН-2,0 дифрактометрида бажарилди.

Ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш учун, юза иш сирти биз тавсия этган таркибдан иборат бўлган қаттиқ қотишма қопламали ерга ишлов берувчи машиналар қуйма деталларининг тажрибавий тўпи ҳамда барабанли цилиндрлар ва насослар ишчи ғилдиракларини бутунлигича биз тўғирлаган таркиб бўйича юқорихромли оқ чўяндан тайёрланди.

Иккала ҳолда ҳам бир вақтнинг ўзида икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш усулидан фойдаланиб, таклиф этилган таркиб қотишмасидан тайёрланадиган буюмлар ва сериявий ишлаб чиқариладиган буюмлар синовдан ўтказилди.

Диссертациянинг **«Юқорихромли оқ чўянлар ва қаттиқ қотишмали қопламалардан тайёрланган намуналарнинг тузилиши ва хоссаларини солиштирма тавсифини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида металлургия, цемент ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги республика саноатида барабанли тегирмон цилиндрлари ва қаттиқ қотишма қопламали деталлар, марказдан қочирма-грунтли насослар ишчи ғилдираклари деталларини тайёрлаш учун юқорихромли оқ чўянлар ва қаттиқ қотишмалар структураси ва хоссаларининг солиштирма тавсифлари ўрганилган.

Кон-металлургия ва цемент ишлаб чиқаришдаги бир қатор машиналар ва ускуналарнинг, шунингдек ерга ишлов берувчи машиналар деталлари оғир абразив-коррозион ейилиш шароитларида ишлайди. Бу деталлар коррозион-ейилишга чидамли қотишмалардан тайёрланган бўлиши ёки юза иш сирти шундай қотишмадан тайёрланган қопламаларга эга бўлиши керак.

Металлургия, цемент мажмуаси ва ерга ишлов берувчи машиналарнинг узлуксиз ишлаши учун машиналар ва эҳтиёт қисмлар саройини доимий равишда янгилаб туриш зарур. Эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар тайёрлаш учун, юқорихромли оқ чўяндан тайёрланадиган буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб машинасозлик ва таъмирлаш-механика заводлари ишлайди. Кўпроқ ИЧХ28Н2 ва 300Х32Н2М2ТЛ маркали қотишмалардан фойдаланилади, эритма материали сифатида эса «Сормайт» ПГ-С27 қаттиқ қотишма қўлланилади. Айрим деталлар импорт бўйича сотиб олинади.


Бироқ импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариладиган деталларнинг ейилишга чидамлилигида бир неча марта сезиларли фарқ кузатилади. Бу эса қимматбаҳо қотишмалар ва легирловчи элементлар (феррохром, Ni ва Mo – ўнлаб тонналарда) катта миқдорда ортиқча сарфланишига олиб келади.

Бундай камчиликни материалнинг ўзидаги хоссалари: кимёвий таркиби, хили ва қотишма структурасидаги фазалар миқдори, фойдаланилган термик мустаҳкамлаш турлари аниқланган бўлсагина бартараф этиш мумкин.

Тадқиқот қилинаётганлари сифатида «ОКМК» АЖ қошидаги МТМЗ (№939 ИЧХ28Н2 оқ чўян) ва «НКМК» ДК қошидаги НМЗ (№327 300Х32Н2М2ТЛ оқ чўян) маҳаллий ишлаб чиқариладиган насоснинг ишчи ғилдирагидан кесиб олинган намуналар таркиби олинган 1-жадвал. Мазкур

чўянларнинг структуралари эвтектикали, қаттиқлиги HRC бўйича Warman (57), ИЧХ28Н2 (51), 300Х32Н2М2Т (48), карбидлар хили  $Cr_7C_3$ ,  $Cr_{23}C_6$  32%, (35), (36) ва қолдиқ аустенит % (12), (23), (24) ҳамда дислокациялар зичлиги  $\rho \cdot 10^{11}$   $1/cm^2$  (2,26), (0,5), (05). Олтингугурт таркиби 0,03% дан ошмаслиги керак.

*Қаттиқ қотишмали қоплама.* «Сормайт» ПГ-С27 хилидаги кукунсимон қаттиқ қотишма таркиби, ўз таркиби бўйича ЧХ28Н2 русумли оқ чўяннинг таркибига яқин. Ушбу ҳолатда углерод, никель таркиби чегараланган миқдорда ва деярли вольфрамсиз ( $C=3,0-3,2$ ;  $Ni=0,9-1,2$ ) қаттиқ қотишмали кукун тўпи танлаб олинди. Қаттиқ қотишма қопламали намуналар ва деталлар модели газга айланувчи усул бўйича қуйиб олинди. Бироқ қопламанинг кимёвий таркиби ва тузилиши чуқурлиги бўйича бир хил эмас эди, қатлам қалинлиги эса – 2-3 мм. Намуналар юзасида юқорихромли оқ чўяннинг эвтектикали тузилиш зонаси ҳосил бўлади, ундан сўнг чуқурлиги бўйича эса углеродланган асосий металл структурага айланадиган (1-расм) эвтектикагача бўлган зона ва эвтектоидли зона келади.



**1-расм.** Намуналарнинг юзасида юқорихромли оқ чўяннинг эвтектикали тузилиш зонаси ҳосил бўлади ва ундан кейин чуқурлиги бўйича асосий металл тузилмасига айланувчи эвтектоидгача ва эвтектоидли зоналар келади.

Юқорида кўриб чиқилган чўянлар ва қотишмаларнинг ейилишга синовлари учун махсус намуналар тайёрланди. Барча намуналарнинг ишқаланиш юзаси бир хил ғадир-будурликка - 0,63 эга бўлди. Ҳар бир намунанинг ишқаланувчан юза сиртини шнекли валик билан мулоқотда бўлиши борасида 30 дақиқадан олти мартагача синовлар ўтказилди.

Абразив ейилишга синовлар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Синовлар ейилиш катталигининг тузилиш қаттиқлиги ва параметрларига умумий боғлиқлигини кўрсатди. «ОКМК» АЖ қошидаги МТМЗда маҳаллий ишлаб чиқариладиган насоснинг ишчи ғилдирагидан кесиб олинган намуналар – бундан истисно. Бу намуналарнинг ейилиш катталиги, синовнинг биринчи 30 дақиқасидан кейин Warman оқ чўянининг ейилишидан деярли уч марта ошиб кетди. Ушбу ҳолатда МТМЗ насоси оқ чўяни таркиби бўйича ТУ26-06-1484-87 биноан ИЧХ28Н2 русумга мос келади. Бироқ, тез ейилишини сабаби – чўяннинг тузилишида мавжуд бўлган марганец ва темир сульфидлари саналади. Демак, қотишмадаги олтингугурт микдори, техник шартлар назарида тутилганига қараганда 0,1% кам бўлиши керак.

2-жадвал

ПВ-7 ишқаланиш машинасида синов ўтказганда намуналарнинг ейилиш микдори

№№ т/р	Умумий синов вакти, мин	Намунанинг тури ва қотишманинг русуми				
		Warman	ИЧХ28Н2	300Х32Н2М2Т	Импорт цельпеслар	Қаттиқ қотиш-мали қоплама
Ҳар 30 дақиқадаги ейилиш синови, мг						
1.	30	0,6	1,5	0,9	0,7	0,9
2.	60	0,4	0,9	0,7	0,5	0,7
3.	90	0,3	0,6	0,5	0,4	0,5
4.	120	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3
5.	150	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2
6.	180	0,0	0,1	0,1	0,1	0,1
HRC қаттиқлиги		58	51	50	55	49

Учинчи бобда тақдим этилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили, қуйидаги хулосалар қилиш имконини беради:

термик ишлов бериш жараёнида фаза алмашувларининг тўлиқ ўтишини таъминлаш мақсадида юқорихромли оқ чўян ва эритма материаллари таркибини тўғирлаш зарурияти юзага келади. Бу талаб этилаётган тузилишлар ва ейилишга чидамликка эришишни қўшимча легирлаш ҳисобига эмас, балки термик ишлов беришнинг, шу жумладан ноанъанавий режимдан фойдаланиб эришиш мумкин. Қотишмада олтингугурт таркибининг пасайиши мажбурий шарт ҳисобланади;

юқорихромли оқ чўяннинг зарурий кимёвий таркиби (тўғирланган таркиби) белгилангандан сўнг, қотишманинг максимал ейилишга чидамлигини таъминлайдиган термик жиҳатдан ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш бўйича бир эритиш негизда тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади. Оқ чўянни эритиш таркиби эритиш материалининг таркибига шундай яқин бўлиши керак-ки, бунда барча тажрибаларни мазкур чўян намуналаридагина ўтказиш мумкин бўлади.

Диссертациянинг «**Юқорихромли оқ чўяннинг оптимал таркиби ва термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобда юқорихромли оқ чўян ва эритма материалининг иқтисодий-легиранган



таркиби ҳамда термик ишлаш режимларини ишлаб чиқиши келтирилган. Бундай таркиб танланганда, легирловчи элементлар юқорихромли оқ чўянли қуймани талаб этиладиган учидан тобланишини таъминлаши, бироқ қиздирилганда ва совутилганда фазавий алмашувларнинг ўтишини қийинлаштириб юбормаслиги керак эканлигидан келиб чиқилган.

Фаза ва структура алмашувининг тўлиқлигини кўрсатувчи мезонлардан бири, механик ишлашни яхшилаш учун оқ чўян қуймаси қаттиқлигини ўзгартириш саналади. Оралиқ юмшатишни иккита варианты фойдаланилган: 1-юмшатиш 900<sup>0</sup>С гача қиздириб фаза қайта кристалланмасдан ва печь билан бирга совутиш орқали; 2-юмшатиш 700-720<sup>0</sup>С гача қиздириб фаза қайта кристалланишисиз ва печь билан бирга совутиш орқали фойдаланилди. Фаза қайта кристалланиш билан 700-720<sup>0</sup>С ҳароратда юмшатиш анча барқарор натижаларни кўрсатди.

Ўтказилган тажрибаларнинг таҳлили юмшоқ юмшатувчининг самарадорлиги оқ чўяннинг таркибига қараб турлича бўлади. Юмшатишга барқарорлик кўшимча (хромдан ташқари) легирловчи элементлар (Ni, Si, Mn, Mo) фоизий таркибининг катталаштирилиши билан ортади. Юмшатганда қуйма қаттиқлигини пасайтириш мақсадида 4,5-5,5% интервал билан C, Si, Mn, Ni элементларнинг умумий таркибини (Mo чиқариб ташлаб) чегаралаш мақсадга мувофиқ бўлди (3-жадвал).

910, 1059, 327 эритувчилар намуналарининг фазадаги рентген тузилиш таҳлили юмшатишдан сўнг қолдиқ аустенитнинг мавжудлигини аниқлаб берди. Бу қолдиқ аустенит, ҳатто ҳароратларнинг субкритик интервалида қиздириш шароитида ҳам парчаланишга юқори чидамлилигидан дарак беради.

3-жадвал

Оқ чўянларда C, Si, Mn элементларининг кимёвий таркиби, умумий таркиби ва юмшоқ юмшатишдан сўнг намуналар қаттиқлигининг ўзгариши

Эритиш, намуна	Элементларнинг таркиби ва умумий таркиби %						HRC қаттиқлиги		Δ HRC юмшатишдан кейинги фарқи	
	C	Ni	Mn	Si	Cr	Mo	Σ C+ Ni+Si+ Mn %	юмшатиш-гача		юмшатишдан кейин
Warman	2,81	0,538	1,38	0,317	28,31	-	4,6	57	44	13
МТМЗ	2,45	1,26	0,65	0,59	22,87	-	4,87	50	43,5	6,5
910 эритиш	3,49	1,54	0,57	0,51	28,86	-	6,11	50	49,66	0,34
939 эритиш	2,89	0,99	0,62	0,78	26,54	-	5,38	53,5	42,7	10,8
1059 эритиш	2,92	1,16	0,33	1,35	23,01	-	5,76	55	51	4
327 эритиш	2,67	2,23	0,57	1,13	31,58	0,37	6,6	49	48	1

Юмшатишдан сўнг ишчи ғилдираклар ва цилиндрлар қаттиқлигини ва ейилишга чидамлилигини кескин тарзда ошириш мақсадида, мустаҳкамловчи термик жиҳатдан (тоблаш ва бўшатиш) ишлов берилиши керак.

Мустаҳкамловчи термик ишлов бериш тажрибаларини ўтказиш учун, анча паст никель (ва молибденсиз) таркибли ИЧХ28Н2 юқорихромли оқ чўян негизидаги таркиб танлаб олинган. Ушбу чўяннинг таркиби С, Si, Mn, Ni 4,5-5,5% йиғиндисини чегаралаш талабларига жавоб беради ва «ОКМК» АЖ қошидаги МТМЗ да маҳаллий ишлаб чиқариладиган 939-эритиш таркибига: % С=2,8; Si=0,7; Mn=0,65; Ni=1,0; Cr=27,0; S,P=0,03 яқиндир.

Юқори даражада ейилишга чидамликка металл асосидаги оқ чўянда мартенсит ва бейнит структуралари ҳосил қилинганда эришилади. Металл асоси мартенситли ёки бейнитли структурада тобланганда, хромнинг майда карбидлари Cr<sub>7</sub>C<sub>3</sub> и Cr<sub>23</sub>C<sub>6</sub> сақланиб қолиши мумкин. Энг юқори ейилишга чидамликка, агар қотишманинг мартенсит матрицаси дислокацияларнинг максимал юқори зичлигига эга бўлса эришиш мумкин. Бунга икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов бериш натижасида эришилади. Юқори углеродли юқорихромли қотишмалар учун бундай тарзда термик ишлов бериш аввал фойдаланилмаган.

Мазкур тадқиқотларда юқорида қайд этилган таркибли юқорихромли оқ чўяннинг намуналарига икки вариант бўйича термик ишлов берилган.


Биринчи вариант бўйича тоблаш турли ҳароратларгача – 925<sup>0</sup>; 1000<sup>0</sup>; 1100<sup>0</sup>; 1150<sup>0</sup>С қиздирилиб ўтказилди. Мазкур тадқиқотларнинг мақсади – совитилган пайтларда α-фазада дислокацияларнинг энг юқори даражаси шаклландиган, экстремал тоблаш ҳароратини аниқлашдан иборатдир.

Иккинчи вариант бўйича турли қиздириш ҳароратларида тоблангандан сўнг, 600<sup>0</sup>С ҳароратда оралик бўшатиш ўтказилган, барча намуналарни бир вақтнинг ўзида иккинчи тоблаш эса мойда совутилиб, 925<sup>0</sup> - 940<sup>0</sup>С қиздириш ҳарорати остида ўтказилди. Яқунловчи термик ишлов бериш 300<sup>0</sup>С қиздириш ҳароратида бўшатиш бўлган.


Биринчи вариант бўйича намуналарни қиздириш ҳарорати оширилиб, термик ишлов берилганда ва кейинги тоблашларда, қаттиқ эритмада иккиламчи карбидларнинг эриши кузатилади (2-расм). Тоблаб совутилгандан сўнг металл асоси юқори углеродли мартенситни намоён этади. Қаттиқлик HRC=57,3-62,3-64-64 ортади, бироқ қолдиқ аустенитнинг миқдори катталашади (3-расм).

Дислокациялар зичлиги 1100<sup>0</sup>С тоблаш ҳароратида максимал қийматга эга бўлади. Warman оқ чўянининг кристаллсимон тузилиши дислокацияларининг зичлиги  $\rho=2,36 \cdot 10^{11} \text{ 1/см}^2$ , ИЧХ28Н2 чўянники эса –  $\rho=0,5 \cdot 10^{11} \text{ 1/см}^2$ . 1100<sup>0</sup>С ҳароратда минимум ҳосил қилиб тоблаш ҳароратининг кўтарилиб бориши билан мартенситнинг тетрагонал панжарасида углероднинг миқдори ҳам ортади.

Таклиф этилаётган таркибли юқорихромли оқ чўяннинг кристаллсимон тузилишида дислокациялар қаттиқлиги ва зичлигининг юқори қийматлари юқорида кўрсатиб ўтилган С + Si + Mn + Ni элементларининг йиғиндиси қоидаси бўйича уни тўғри танланганлигидан дарак беради.



2-расм. Турли хароратларда а-925<sup>0</sup>С; б-1000<sup>0</sup>С; в-1100<sup>0</sup>С; г-1150<sup>0</sup>С тоблангандан сўнг 939 эритмага яқин оқ чўян намуналарининг микроструктуралари Х2000



3-расм. 939 эритма юқорихромли оқ чўяннинг структура параметрларини тоблаш ва 300<sup>0</sup>С бўшатишга боғлиқлиги: ρ - дислокациялар зичлиги; γ - қолдик аустенит; C - тетрагонал панжарадаги углерод.

Барабанли тегирмон цилиндрлари ва насослар ишчи ғилдираклари HRC = 50÷60 қийматларда юқори қаттиқликка эга. Бироқ 300<sup>0</sup>С да бўшатишда қаттиқлик пасаяди.

Термик ишлов бериш экспериментал натижаларининг таҳлили асосида, биринчи вариант бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. 939 эритмага ўхшаш таркибли 925 - 1000<sup>0</sup>С қиздириш хароратига эга оқ чўян тобланганда 300<sup>0</sup>С бўшатишдан сўнг металл асосининг α-фазадаги дислокациялар зичлигининг даражаси, Warman чўянидаги даражага мос келади. Дислокацияларнинг энг юқори зичлиги 1100<sup>0</sup>С қиздириш харорати билан тоблангандан сўнг ҳосил бўлади;

2. 1000<sup>0</sup>С ортиқ тоблаш ҳароратининг ошиши, структурада ейилишга чидамлилигини пасайтирадиган қолдиқ аустенит миқдорининг ортишига олиб келади;

3. Оқ чўян ва қоплама материалининг энг истиқболли таркиби – қуйидаги таркибли никель, кремний ва олтингугурт, молибденсиз, вольфрам, титаннинг пасайтирилган таркиби ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

Оқ чўян ва қоплама материалининг энг истиқболли таркиби

Элементлар	C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni
таркиби, %	2,5-3,0	0,4-0,8	0,5-1,0	0,03 гача	0,03 гача	25-30	0,5-1,0

Биринчи вариант бўйича термик ишлов бериш 925 - 1000<sup>0</sup>С тоблаш (нормаллаш) қиздириш ҳарорати ва 300<sup>0</sup>С бўшатишни ўз ичига олиши керак.

Иккинчи вариант бўйича икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов беришни ўз ичига олади. Мазкур термик ишловнинг мақсади - 1100<sup>0</sup>С қиздириш ҳарорати билан биринчи марта тоблаб олинган дислокацияларни юқори зичлигини сақлаб қолиш; 920<sup>0</sup>С иккинчи тоблашдан сўнг қолдиқ аустенит миқдори пасаяди. Ички кучланишлар ва қаттиқликни пасайтириш учун 300<sup>0</sup>Сда бўшатиш яқунловчи операция ҳисобланади.


Мазкур тадқиқотларда тавсия этилаётган таркибнинг юқорихромли оқ чўяннинг намуналари биринчи вариант бўйича турли ҳароратларда қиздирилди. Тобланган намуналар бир вақтнинг ўзида 600<sup>0</sup>Сда бўшатилади. Бўшатиладиган намуналар шунингдек бир вақтнинг ўзида 925<sup>0</sup>С гача битта печда қиздирилди ва мойда тобланди (совутилди).

Термик ишлов берилган намуналар металлография, рентгеноструктура ва бошқа таҳлиллардан ўтказилди. Тадқиқотлар натижалари 5-жадвалда ва 4-расмда келтирилган.

5-жадвал

Иккинчи тоблашнинг қиздириш ҳарорати 925<sup>0</sup>С билан 300<sup>0</sup>С да бўшатиш

Биринчи тоблаш ҳарорати, <sup>0</sup> С	HRC қаттиқлиги	Дислокациялар зичлиги, $\rho \cdot 10^{11} 1/\text{см}^2$	Қолдиқ аустенит миқдори, %	Тетрагонал панжарада углероднинг миқдори (бўшатгунча), %
925	57	0,89	10% гача	1,5
1000	59	1,96		1,5
1100	61	3,34		1,0
1150	60	3,09		1,1



**4-расм. Икки марта тоблаш ва 300<sup>0</sup>С бўшатишдан кейин, 939 га яқин эритмадаги оқ чўяннинг микроструктуралари. Биринчи тоблаш қиздириш ҳароратлари билан 925<sup>0</sup>С (а), 1000<sup>0</sup>С (б), 1100<sup>0</sup>С (в), 1150<sup>0</sup>С (г), оралик бўшатиш 600<sup>0</sup>С, иккинчи тоблаш қиздириш ҳароратлари билан 925<sup>0</sup>С, бўшатиш 300<sup>0</sup>С. Х2000**

5-жадвалда келтирилганидек, такрорий фаза қайта кристалланишда, биринчи марта тобланганда олинган дастлабки субструктура элементлари томонидан насл қилиб олиш шароитларида яққол кўзга ташланиб туради. 1100<sup>0</sup>Сда экстремум ҳосил қилиб биринчи тоблаш ҳароратининг ортиши билан дислокациялар зичлигининг ошиши сезилади.

1100<sup>0</sup>С и 1150<sup>0</sup>С қиздириш ҳарорати билан биринчи марта тобланган намуналарнинг микроструктураси, майда иккиламчи карбидларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, биринчи қиздиришда экстремал ҳароратгача қиздиришдан фойдаланиб икки марта фаза қайта кристалланиш, иккиламчи карбидларнинг майда қўшилмалари мавжуд бўлганда, қотишмани ейилишга чидамлилигининг юқори даражасини таъминлаши мумкин (4-расм).

Термик ишлов беришнинг иккинчи варианты бўйича олинган таҳлиллар натижалари асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Икки марта фаза қайта кристалланишда юқорихромли оқ чўянларга термик ишлов берилганда, бошланғич ҳолатдаги юпқа структуранинг параметрларини мерос қилиб олиш самараси кузатилади;

2. Экстремал қиздириш ҳароратлар билан дастлабки термик ишлов беришда яратилган дислокацияларнинг юқори зичлиги, яқунловчи тоблаш ва бўшатишдан кейин сақланиб қолади;

3. Тобланган қотишмадаги углерод атомларининг катта қисми, уларнинг маҳкамланишига шарт-шароит яратиб дислокацияларда бўлади;

4. Икки марта фаза қайта кристалланиш термик ишлов беришда, қолдиқ аустенитнинг таркиби минимал бўлганда юқорихромли оқ чўяннинг металл асоси тоблаш тузилишининг ҳосил бўлишига шарт-шароит яратади.

**Диссертациянинг «Ейилишга бардошли ишлаб чиқилган юқорихромли қотишмалар оптимал таркибини ва термик ишлов бериш режимларини ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этиш натижалари»**

деб номланган бешинчи бобида турли термик ишлаш режимларидан кейин юқорихромли оқ чўянлар ва қаттиқ қотишмали қопламаларнинг ейилишга чидамлиги, «Таркиб-термик ишлаш» оптимал вариантыни танлаш ва уларни амалга ошишига тегишли бўлган тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Чўянни термик ишлаш режимлари 4-бобда тақдим этилган тадқиқотлар натижаларига биноан фойдаланилган. Аввал кўрсатиб ўтилгандек, эталон намуна сифатида Warman фирмасида импорт бўйича ишлаб чиқариладиган насос оқ чўянининг етказиб бериладиган намуналари танлаб олинди. Бу Warman насоси узоқ хизмат кўрсатиш муддатига эга эканлиги билан боғлиқ.

Синов объектлари сифатида ҳамда термик ишлов бериш режимлари ва бир неча вариантли таркибли намуналардан фойдаланилди (6-жадвал).

6-жадвал

Юқорихромли оқ чўянлар намуналарининг структура параметрлари, хоссалари ва ейилишга синовларининг натижалари

№№ п/п	Қотишма, термик ишлов бериш	HRC каттиқлиги	Дислокациялар зичлиги $\rho \cdot 10^{11} 1/\text{см}^2$	Қолдиқ аустенитнинг микдори, %	Ейилишнинг катталиги, мг
1 - Ишчи ғилдиракли намуналар, Warman					
а)	Етказиб бериш ҳолати	57	2,36	11,5	0,6
б)	Юмшатиш 700 <sup>0</sup> С	46	-	йўқ	1,0
в)	Юмшатиш 700 <sup>0</sup> С, тоблаш 1000 <sup>0</sup> С, бўшатиш 300 <sup>0</sup> С	59	-	10	0,6
2 - Ишчи ғилдиракли намуналар, ИЧХ28Н2 S=0,07%					
а)	Етказиб бериш ҳолати	51	0,5	23,0	1,5
б)	Юмшатиш 700 <sup>0</sup> С, тоблаш 1000 <sup>0</sup> С, бўшатиш 300 <sup>0</sup> С	59	-	-	0,8
3 - 327 эритиш намуналари (НМЗ), 300Х32Н2М2ТЛ					
а)	Қуйма намунани бўшатиш 570 <sup>0</sup> С	49	-	44	0,85
4 - 939 га яқин эритиш намуналари, бевосита тоблаш					
а)	Юмшатиш 700 <sup>0</sup> С, тоблаш 1000 <sup>0</sup> С, бўшатиш 300 <sup>0</sup> С	59	3,12	6,7	0,6
б)	Юмшатиш 700 <sup>0</sup> С, тоблаш 1100 <sup>0</sup> С, бўшатиш 300 <sup>0</sup> С	56,5	4,12	13,2	0,6
